

Суд ҳаражатлари, уларнинг мақсади ва турлари



Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби иқтисодийнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, келиб чиққан низоларни ҳал қилиш, иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилиш вазифаси ва ваколати иқтисодий судларга юклатилган.

Иқтисодий судларда ишларни кўриб чиқиш муайян ҳаражатларни талаб қиладики, қонунчилик ўз навбатида ишда иштирок этувчи шахслар томонидан мазкур ҳаражатларнинг қопланишини назарда тутди.

Суд ҳаражатлари – ишда иштирок этувчилардан давлат фойдасига ва бошқа ҳаражатлар ўрнини қоплаш учун ундириладиган тўлов ҳисобланади.

Суд ҳаражатлари 2 гуруҳга бўлиниб, булар:

- давлат божи ва
- ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлардан иборат.

Давлат божи – давлатнинг махсус ваколатли идоралари (суд, ички ишлар, давлат хизматлари маркази, нотариал ҳамда суғурта идораси ва ҳок) томонидан фуқаролар ёки корхона, муассаса ва ташкилотлар манфаатлари йўлида хизмат кўрсатганлик ҳамда юридик аҳамиятга молик ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган пул йиғими.

Ушбу 2 тўловни ундиришдан мақсад ҳам турлича бўлиб, давлат божини ундиришдан мақсад – шахсларнинг ўз мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга даъват этиш, судларда иш юритиш билан боғлиқ ҳаражатларни маълум маънода қоплаш, судга қилиниши мумкин бўлган асоссиз мурожаатларнинг олдини олишдан иборат.

Ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар деганда эса суд ишини юритиш, низоли ҳолат ёхуд ариза талабини, шунингдек қарши тарафнинг эътирозларини аниқлаш учун жалб этилган воситалар учун қилинган ҳаражатлар назарда тутилади.

Давлат божи ундириладиган ҳужжатлар ва уларнинг ставкалари.

Давлат божи судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация ва тафтиш тартибидаги шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини берганлик учун аризалардан ундирилади. ажримлар устидан ҳам апелляция, кассация ва тафтиш тартибида шикоят келтирилиши мумкин, бироқ мазкур шикоятлардан давлат божи ундирилмайди. Маълумот учун келтириб ўтиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасининг 2-бандида иқтисодий судларда давлат божи ундириладиган объектларнинг батафсил тоифалари белгиланган.

Суд ҳаражатларининг 2 тури ҳисобланган суд чиқимларига:

- суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта ҳаражатларидан;
- суд тайинлаган экспертиза тўловлари;
- гувоҳни чақириш;
- далилларни жойида кўздан кечириш;
- суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар ҳамда
- ишни кўриш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлардан иборат.

Иқтисодий судлар томонидан ишларни кўриш билан боғлиқ суд ҳаражатларининг ставкалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ёки суд томонидан белгиланиши мумкин. Хусусан давлат божи ставкалари юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун билан белгилаб қўйилса, суд чиқимларидан почта ҳаражатлари ва суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ суд ҳаражатлари суммаси Иқтисодий процессуал кодексининг 116-моддасига мувофиқ, суд томонидан белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни билан иловага мувофиқ давлат божи ставкалари миқдорлари тасдиқланган. Иқтисодий судлар

томонидан кўриб чиқиладиган мулкый тусдаги талаблардан ундириладиган давлат божининг энг кам миқдори белгиланган бўлиб, унга кўра бу сумма базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробаридан кам бўлмаслиги керак. Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилигимизда ундириладиган давлат божининг энг кўп миқдори белгиланмаган. Бироқ, хорижий тажрибани оладиган бўлсак, айрим мамлакатлар, хусусан Грузия қонунчилигида давлат божининг айрим ставкаларининг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган.

Мулкый тусдаги талаблар бўйича низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланиб, ушбу сумманинг 2 фоизи миқдорида белгиланган.

Шу билан бирга иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган номулкий тусдаги талаблардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдорида давлат божи ундирилади. Номулкий талаб – бу гарчи ишнинг кўрилиш натижасидан мулк ундирилсада, мулк билан боғлиқ бўлмаган талаб. Мисол учун: тадбиркорлик субъектининг ишчанлик обрўъсига путур етказганлик учун маънавий зиён ундирилиши мумкин. Башарти, зиён етказилганлиги исботланса, унинг натижасида даъвогар муайян миқдордаги пул кўринишидаги етказилган зарар суммасини ундириши мумкин. Аммо, бундай ҳолатларда ишчанлик обрўъси ҳисобланган талаб мулкый тусда бўлмаганлиги боис, номулкий тусдаги талаблардан ундириладиган давлат божи ставкаси қўлланилади.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қонун билан алоҳида талаблар бўйича махсус ставкалар белгиланган. Уларга кўра:

- тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги аризалардан – БҲМнинг 3 баробари миқдорида;
- хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан – БҲМнинг 10 баробари миқдорида;
- ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан – БҲМнинг 2 баробари миқдорида;
- чет давлат судлари ва арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги аризалардан - БҲМнинг 2 баробари миқдорида;
- шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида келиб чиқувчи низолар ҳамда шартномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризалардан - БҲМнинг 2 баробари миқдорида;
- апелляция, кассация ва тафтиш тартибида берилган шикоятлардан - биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун аризалар берилганда

тўланадиган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Шундай ҳолатлар бўладики, жавобгар томонидан даъво аризасига қарши даъво аризаси ёки ишга учинчи шахснинг мустақил талаблар билан киришганлиги тўғрисидаги ариза берилганда ҳам давлат божи ундирилиши белгиланган бўлиб, унинг ставкалари умумий асосларда белгиланади.

Қайд этиш жоизки, қонунчилик билан иқтисодий судлар томонидан давлат божини ундиришда имтиёзлар белгиланган бўлиб, ушбу имтиёзлар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Давлат божини пасайтирилган ставкада ундириш;

Амалдаги қонунчиликка кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга мурожаат этганда давлат божи учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўлайдилар.

2. Давлат божи тўлашдан озод қилиш.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига кўра, иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган субъектлар рўйхати келтирилган бўлиб, қонун билан имтиёз белгиланган. Мисол учун, прокуратура, адлия, солиқ, божхона, молия органлари, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги аризалар берилганда аризачи ва жавобгар, чет эл инвестициялари иштирокидаги акциядорлик жамиятлари ва бошқалар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2025 йилдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Қонунига мувофиқ “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга, иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун зарур бўлган энергиянинг ҳосил қилиниши ва сарфланишини барқарорлаштиришга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини аккредитация қилишни соддалаштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бироқ энергия ресурслари истеъмолчилари томонидан тўлов интизоми даражасининг пастлиги иссиқлик ва электр энергиясини етказиб берувчиларнинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан иссиқлик ва электр энергиясини етказиб берувчилар томонидан истеъмолчиларга энергия ресурслари барқарор етказиб берилишини ҳамда сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлаш учун етказиб берилган энергия учун тўлов бўйича қарзларни ўз вақтида ундириш зарурияти юзага келмоқда.

Бундан ташқари “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида чет эл тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун давлат божи тўланиши назарда тутилди. Шу билан бирга аккредитациянинг қайси даври учун давлат божи тўланиши аниқлаштирилди.

Ушбу Қонун билан “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишинча иссиқлик ва электр энергиясини етказиб бериш юзасидан хизматлар учун тўловлар бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар, аризалар ва шикоятлар билан фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилинганда иссиқлик ва электр энергиясини етказиб берувчилар давлат божини тўлашдан озод этилишини, шунингдек уларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда мазкур давлат божини ушбу етказиб берувчилардан ундириш имкониятини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек чет эл тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилишда давлат божини тўлаш ҳар бир йил учун амалга оширилишини аниқлаштирувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Мазкур Қонун истеъмолчилар томонидан қарзларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлашга, аҳолининг сифатли иссиқлик ва электр энергиясини етказиб бериш бўйича хизматлар билан таъминланганлик даражасини оширишга, шунингдек чет эл тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилганлик учун давлат божи тўлаш тартибини аниқлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасида иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган субъектлар рўйхати келтирилган.

Унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари — “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ

пенсияларни тўлашга кетган маблағларни ташкилотлардан ундириб олиш бўйича даъволар, шу жумладан регресс даъволар юзасидан;

суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи — мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органи — атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганлик тўғрисидаги табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органи — ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун бериладиган даъволар, аризалар ва шикоятлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органи, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази ҳамда унинг ҳудудий органи — ўз зиммасига юклатилган ваколатларига мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича;

давлат солиқ хизмати органи, молия ва божхона органи — барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

прокуратура органи — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

адлия органи — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

давлат органи — ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан ва бошқалар киритилган.

Мазкур модда янги 29-банд билан тўлдирилиб, иссиқлик ва электр энергиясини етказиб берувчилар — тегишинча иссиқлик ва электр энергиясини етказиб бериш юзасидан хизматлар учун тўловлар бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда, давлат божидан озод этилиши белгиланди.

Шунингдек, ушбу модда биринчи қисмининг 2, 14³, 20, 21, 22¹ ва 29-бандларида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдориға мутаносиб равишда ундирилади.

Ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар ставкаси қонун билан ҳам белгиланган, шунингдек суд томонидан ҳам белгиланади. Хусусан, суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади, бироқ бу сумма БҲМнинг 10/1 қисмидан ошмаслиги керак ва даъво аризасини бераётган шахс томонидан суднинг депозит ҳисоб варағига киритилиши лозим.

Шу билан бирга, суд томонидан белгиланадиган чиқимлардан бири бу суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар бўлиб, унинг миқдори БҲМнинг 25 фоизини ташкил этади.

Эслатиб ўтиш лозимки, гувоҳ, эксперт, мутахассис ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ҳамда уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга харажатларни тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида”ги Қонун билан белгиланган.

Давлат божини қайтариш судга давлат божини тўлаган шахснинг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини тўлаган судга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган суд уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, суд илгари ўз ҳисобварағига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан эътиборан 5 кун ичида қайтаради. Ўз навбатида суд қайтарилиши лозим бўлган, илгари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида солиқ органиға ёзма шаклда хабар юборади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божини қайтариш тўғрисидаги қарор солиқ органи томонидан суд хабарномаси олинган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади. Давлат божини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган солиқ органи давлат божини тўловчига қайтаришни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳазначилиғига қайтариш тўғрисида тегишли топшириқнома юборади.

Давлат божи қуйидаги ҳолларда қисман ёки тўлиқ қайтарилиши лозим:

- давлат божи талаб учун белгиланган ставкадан ортиқча миқдорда тўланганда;
- суд даъво аризасини қайтарганда ёки қабул қилишни рад этганда;
- апелляция, кассация ёки тафтиш шикоятлари қайтарилганда ёки уларни қабул қилиш рад этилганда;
- давлат божи тўланган даъво аризаси (ариза, шикоят), апелляция, кассация, тафтиш шикояти судга келиб тушмаганда;
- агар иш судга тааллуқли бўлмаса ҳамда ишни юритиш тугатилганда;
- ишда иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда;
- ишда иштирок этган шахс вафот этганида, агар низоли-ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Шунингдек, қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, божлар давлат бюджетига ундириладиган мажбурий йиғим эканлигини инобатга олиб, ҳар бир ваколатли идора уни белгилаш, ундириш, ундан озод қилиш ва қайтариш тартибига қатъий амал қилиши муҳимдир.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг судьяси
Ботиржон Абдуллаев